

Татаристонда аёллар ўртасида Қуръон тиловати Бутунроссия мусобақаси ўтказилади



17:00 / 26.05.2021 2846

2021 йил 29 май куни Ютазинский тумани Уруссу қишлоғида аёллар ўртасида Бутунроссия Қуръон қорилар мусобақаси бўлиб ўтади. Бу ҳақда Татаристон Республикаси мусулмонлари маънавий бошқармаси матбуот хизмати хабар беради.

Танловда ёшидан қатъий назар, Россия фуқароси бўлган муслималар иштирок этишлари мумкин. Танлов талабларига биноан улар Қуръон ёдлаш марказларининг талабалари бўлмаслиги керак. Ҳар бир иштирокчи фақат битта йўналишда қатнашиши мумкин. Ўтган йилги танлов ғолибларига 5та жуз бўйича беллашувлар бўлиб ўтган эди.

Аёллар ўртасида Бутунроссия Қуръон қорилар мусобақаси Татаристон Республикаси Муслмонлари Диний Бошқармаси, Татаристон Республикаси Жануби-Шарқий қозиёти, Ютазинский тумани мухтасибати ва Ютазинский маъмурияти шаҳар округи томонидан ўтказилади.

Қуръони карим 5 (26,27,28,29,30) жузини ёд олган танлов ғолибига 50 минг рубл миқдорида пул мукофоти берилади. Иккинчи номинация бўйича Ютазин мухтасибати томонидан махсус соврин, бундан ташқари, барча иштирокчилар рағбатлантирувчи совғалар билан тақдирланадилар.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси